

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АВАЛБАЕВ ОЛИМЖОН НАРКУЗИЕВИЧ

**ҒАРБИЙ ПОМИР-ОЛОЙ ТИЗМАСИ *FERULA L.* ТУРЛАРИНИНГ
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

03.00.05– Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Авалбаев Олимжон Наркузиевич

Ғарбий Помир-Олой тизмаси *Ferula* L. турларининг биоэкологияси ва улардан оқилона фойдаланиш усулларини такомиллаштириш..... 3

Авалбаев Олимжон Наркузиевич

Биоэкология представителей рода *Ferula* L. Западного Памиро-Алайского хребта и совершенствование их рационального использования..... 21

Avalbaev Olimjon Narkuzievich

Bioecology of representatives of the genus *Ferula* L. of the Western Pamir-Alai Range and improvement of their rational use..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АВАЛБАЕВ ОЛИМЖОН НАРКУЗИЕВИЧ

ҒАРБИЙ ПОМИР-ОЛОЙ ТИЗМАСИ *FERULA* L. ТУРЛАРИНИНГ
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

03.00.05– Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд– 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.Phd/B13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.samdu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳманкулов Умаркул
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Раҳимова Ташханим
биология фанлари доктори, профессор

Хайдаров Хислат Қудратович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.30.08.2018.B.02.08. рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «7» февраль куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 3-уй. Самарқанд давлат университети биология факултети мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-13-78, факс (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (+99866) 239-11-40, E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «24» январь куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси)

З.Т. Ражамуродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

М.С. Кузиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.ф.д.

Ҳ.Қ. Хайдаров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда биологик хилма-хилликни сақлаш, ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ўсимлик турларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, интродукция ишларини олиб бориш, муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш, ноёб ва камайиб бораётган турларини аниқлаш ва уларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда эфир мойли, ем-хашак, асалчил, шифобахш, смола сақловчи, ароматик, озуқабоп ва техника ўсимлиги сифатида қўлланиладиган *Ferula L.* туркуми турлари алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳонда доривор смола сақловчи ўсимликларнинг биоморфологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш ва хом ашёларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Фарбий Помир-Олой тизмасидаги *Ferula L.* туркуми турлар таркибини аниқлаш, унга таъсир этувчи омилларни асослаш ва истиқболли турларнинг ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланиш имкониятини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳудуднинг ўзига хос физик-географик ўрни *Ferula L.* туркуми турларининг турли-туманлигига олиб келган. Фарбий Помир-Олой тизмасида учрайдиган *Ferula L.* туркуми турлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Жумладан, *Ferula L.* туркуми турларининг биоморфологик, дориворлик хусусиятлари, захиралари аниқланмаган, баъзи турларининг камайиб кетиш сабаблари ўрганилмаган. Шунга қарамасдан, ўсимликлардан оқилона фойдаланиш, улар асосида янги доривор препаратлар яратиш ишлари суст олиб борилмоқда, режасиз асосда ўсимлик хом-ашёларидан фойдаланиш натижасида уларнинг табиий захиралари камайиб бормоқда. Шунга кўра, ҳудудда тарқалган *Ferula L.* туркуми турларининг биологияси, шифобахшлик хусусиятлари, улардан оқилона фойдаланиш, камёб ва хўжалик аҳамиятига молик турларни лалмикор ерларда экиб ўстириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Кейинги йилларда чўлларнинг ўзлаштириш муносабати ҳамда чорва молларининг ҳудудда интенсиф боқилиши оқибатида баъзи - *F. varia* (Schrenk) Trautv., *F. schtschurowskiana* Regel et Schmalh., *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaeva *F. foetida* (Bunge) Regel турларининг табиий майдонлари кескин камайиб бормоқда. Шунинг учун истиқболли *Ferula L.* туркуми турларини уруғидан экиб, кўпайтириш йўллари излаш ва дастлабки интродукция ишлари билан шуғулланиш муаммоларини ҳал қилиш лозим.

Республикамизда фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг камровли ислохатлар олиб борилиб, доривор ўсимликлар хом ашё базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, *Ferula L.* туркуми турларидан “Паноферол”, “Тэфэстрол”, “Куфэстрол” ва “Ферулен” дори препаратлари яратилди ҳамда ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, *Ferula* L. туркуми турларининг биоэкологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш, уруғидан экиб кўпайтириш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сонли “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сонли “Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 мартдаги ПҚ-36/17-сонли “Республикада коврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёда, жумладан, Фарбий Тиёншонда ўсадиган *Ferula* L. туркуми турларининг биоэкологик хусусиятлари, захиралари Коровин, (1947, 1959) Пименов, Баранова (1977), Раҳманкулов (1998; 1999). *Ferula* L. турларининг систематикаси Е.П. Коровин (1947, 1959, 1963) томонидан ўрганилиб, у *Ferula* L. монографиясининг муаллифи. М.Г. Пименов (1983) *Ferula* L. туркумининг янги 10 турига тасниф бериб, туркумнинг янги классификациясини яратиб, уни 18 секцияга ажратди.

Фарбий Помир-Олой тизмаси - Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тоғларида учровчи *Ferula* L. турлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Жумладан, бу ўсимликларнинг морфобиологик, энг муҳим турларининг дориворлик хусусиятлари, захиралари аниқланмаган, баъзи турларининг камайиб кетиш сабаблари ўрганилмаган.

Жиззах вилоятида учрайдиган *Ferula* L. туркуми турлари ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Фақат вилоятда тарқалган *Ferula* L. туркуми турлари ҳақида У. Раҳмонкулов (1999), Ҳ. Абдураимов ва У. Раҳмонкулов

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

(1966, 1995) ларнинг ҳудудда учрайдиган ўсимликларнинг уруғидан униш биологияси, баъзи турларининг морфобиологик, шифобахшлик хусусиятлари ҳақида маълумотлар эълон қилинган.

Ғарбий Помир-Олой тизмаси тоғларида учрайдиган *Ferula* L. туркуми турлари таркибини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммолари билан шуғулланиш давр тақозасидир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 21-10 “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш” (2012-2013) мавзусидаги амалий лойиҳа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг 36-11-15 “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш” (2015-2017) мавзусидаги фундаментал лойиҳа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг И-01-2019-43 “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш” (2019-2021) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарбий Помир-Олой тизмаси (Туркистон, Зарафшон, Ҳисор) тоғларида учрайдиган *Ferula* L. туркуми истиқболли турлари таркибини, биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ғарбий Помир-Олойдан учрайдиган *Ferula* L. туркуми турларининг таркибини аниқлаш;

Ferula L. туркуми турларининг тик минтақалар бўйича тарқалишини ўрганиш;

айрим *Ferula* L. туркуми турларининг биоморфологик хусусиятларини онтогенезда ўрганиш;

ҳудудда учрайдиган истиқболли *Ferula* L. турларининг хўжаликдаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

ҳудудда учрайдиган камёб ва йўқолиш хавфи бўлган *Ferula* L. туркуми турларини аниқлаш;

ўрганилган айрим *Ferula* L. турларининг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталарини тузиш;

табиий ҳолда ўсадиган жойлардан йиғилган уруғларидан қўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ғарбий Помир-Олой тизмасида учрайдиган *Ferula* L. турлари (*F. kuhistanica* Korovin, *F. samarkandica* Korovin, *F. diversivittata* Regel et Schmalh., *F. foetida* (Bunge) Regel, *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaev, *F. kokanica* Regel et Schmalh., *F. dshizakensis* Korovin, *F. ovina* (Boiss.) Boiss., *F. angrenii* Korovin, *F. penninervis* Regel et Schmalh.).

Тадқиқотнинг предмети Ғарбий Помир-Олой тизмаси, шу жумладан, Туркистон, Зарафшон ва Нурота тоғлари худудида учрайдиган *Ferula* L. турларининг биологияси, экологияси, фенологияси ва морфологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала тажрибалари, морфологик, фенологик, биометрик, статистик ва ўрганилган турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар тузишнинг замонавий усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Ғарбий Помир-Олой тизмаси *Ferula* L. турлари таркиби қайд этилган; илк бор табиий шароитда *F. foetida* (Bunge) Regel, *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaev, *F. dshizakensis* Korovin, *F. angrenii* Korovin турларининг биоэкологик хусусиятлари онтогенезда аниқланган;

Ferula L. турларининг гуллаш биологияси ва уруғ маҳсулдорлиги очиб берилган;

ўсимликларни уруғидан кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган;

ўрганилган айрим *Ferula* L. турларининг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилган;

айрим камёб ва эндем *Ferula* L. турларининг камайиб кетиш сабаблари аниқланиб, муҳофаза чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ғарбий Помир-Олой тизмасида учрайдиган истиқболли *Ferula* L. туркуми турларининг муҳофаза чора-тадбирлари ва *Ferula foetida* турини экиб кўпайтириш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда қайта ишлаш амалиётига жорий этилган.

Ғарбий Помир-Олой тизмасида тарқалган *Ferula* L. туркумига мансуб 10 тури популяцияларининг ҳозирги ҳолати аниқланган, тарқалиш ареали акс эттирилган ГАТ хариталар тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда замонавий усуллардан қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг статистик таҳлил қилинганлиги, шунингдек, олинган амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва дала тадқиқотлари давомида йиғилган материалларнинг ЎзР ФА Ботаника институти Марказий гербарийсида сақланаётганлиги билан характерланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган *Ferula* L. туркуми турларининг тик минтақалар ва ўрганилган тоғ тизмалар бўйлаб

тарқалиши, айрим истиқболли турларининг онтогенетик хусусиятларини ўрганиш ҳамда хўжалик аҳамиятининг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти *Ferula L.* туркуми турларини табиий популяцияларини муҳофаза қилиш, истиқболли турларини уруғидан экиб кўпайтириш, тирик коллекция ва плантацияларини ташкил этиш ва улардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш истиқболларини белгилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғарбий Помир-Олой тизмаси *Ferula L.* турларининг биоэкологияси ва улардан оқилона фойдаланиш усулларини такомиллаштиришда олиб борилган олинган натижалар асосида:

Ferula L. туркуми истиқболли турларидан уруғлик питомникларини ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар Жиззах вилояти Пахтакор тумани “Оқ коврак”, Арнасой тумани “Шифо коврак” ва “Сардор Валижонов” фермер хўжаликлари, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани “Чуччиқудук” ҚФЙ далаларига ҳамда Жиззах вилояти Бахмал тумани давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2019 йил 09 октябрьдаги 05/06-3516-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий ва хорижий фармацевтика бозорида хом-ашёсига талаб юқори бўлган *F. foetida*, *F. kuhistanica*, *F. kokanica* турларининг жами 300 гектар саноат плантациясини ташкил этиш имконини берган;

Ғарбий Помир-Олой тизмасида тарқалган *Ferula L.* туркумига мансуб 10 тури популяцияларининг ҳозирги ҳолати аниқланган, тарқалиш ареали акс эттирилган ГАТ хариталар тузилган, *F. nuratavica* Pimenov турини Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобининг кейинги нашрига киритиш бўйича таклифлар Жиззах вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 22 октябрьдаги 03-03/1-3848-сон маълумотномаси). Натижада ўрганилган *Ferula L.* турларининг тарқалган ареаллари аниқланган, камайиб бориш сабаблари ўрганилган ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Ferula L. туркуми турлари уруғларининг дала шароитларидаги унувчанлиги ва майсаларнинг яшовчанлиги ошириш, кўчат тайёрлаш ва кўпайтиришга оид амалий тавсиялар Жиззах вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 22 октябрьдаги 03-03/1-3848-сон маълумотномаси). Натижада *Ferula L.* туркуми турлари табиий популяцияларини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ҳамда тирик коллекцияларини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ғарбий Помир-Олойнинг физик-географик тавсифи”** деб номланган биринчи бобида ҳудуднинг физик-географик тавсифи, кузатиш услублари ва объекти келтирилган.

Биринчи бўлим Ғарбий Помир-Олойнинг физик-географик тавсифига бағишланган. Марказий Осиё тоғларининг қадимийлигини айрим адабиётлардан билиш мумкин (Ўзбек Совет энциклопедияси, 1976; Камелин, 1973).

Помир - Олой тоғлари – Ўрта Осиёнинг жануби-шарқдаги тоғли ўлка, Фарғона водийсидан жанубда. Тожикистон Республикаси, қисман Қирғизистон Республикаси (шимоли-шарқда), Ўзбекистон Республикаси (ғарбда) ва Туркменистон Республикаси (жануби-ғарбда) жойлашган. (Ўзбек Совет энциклопедияси, 1976; Афанасьев, 1956) (1-расм).



1-расм. Экспедиция маршрутлари харита-схемаси

Иккинчи бўлимда кузатиш услублари ва объектлари ҳақида маълумот берилган. Ер юзида *Ferula* L. туркумининг 180-185 тури, МДХ мамлакатларида 106 тури, Марказий Осиёда 105 тури, Ўзбекистонда 48 тури, Ғарбий Тиёншонда 50 дан ортиқ, Помир-Олой тизмасида 60 яқин тури, Ғарбий Помир-Олой тизмасида 33 тури учрайди. Ғарбий Помир-Олойдаги *Ferula* L. туркумининг 10 тури тадқиқот объекти ҳисобланади. Турларни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти гербарий маркази (Тошкент ш.) материалларидан ҳамда «Определитель растений Средней Азии» (Т. I-X. 1968-1993), Е.П. Коровин (1947), А.Л. Тахтаджян (1978), С.П. Черепанов (1981; 1995), М.Г. Пименов ва б. (1993) маълумотларидан фойдаланилди.

Тажрибада қуйидаги *Ferula* L. туркумининг 10 турлари ўрганилди: *F. kuhistanica* Korovin, *F. samarkandica* Korovin, *F. diversivittata* Regel et Schmalh., *F. foetida* (Bunge) Regel, *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaev, *F. kokanica* Regel et Schmalh. - монокарп, *F. dshizakensis* Korovin, *F. ovina* (Boiss.) Boiss., *F. angrenii* Korovin, *F. penninervis* Regel et Schmalh. - поликарп турлар.

Ўсимликларнинг биологиясини ўрганиш А.Н. Пономарев (1975), гуллаш ва чангланиш жараёни ҳар бир майдончада Т.А. Работнов (1950), ҳар бир турнинг онтогенези ва ёш ҳолатлари И.Т. Работнов (1950), онтогенез даврлари А.А. Уранов (1975), Л.А. Жукова (1988), морфологик хусусиятлари В.Н. Голубев (1973), А.А. Фёдоров ва б., (1979), мева тузилиши А.А. Сафина (1984), уруғларнинг лаборатория шароитида униши М.Г. Николаева (1948, 1950), У. Раҳмонқулов (1999) услубларидан фойдаланилди. Ўсимликларнинг илдиз системаси тузилиши М.Г. Тарановская (1957), А.А. Фёдоров ва б., (1962), И.О. Байтулин (1979) методлари асосида ўрганилди. Турларнинг морфобиологик хусусияти И.Т. Васильченко (1941) усулида кўриб ўтилди.

Диссертациянинг “**Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган истиқболли *Ferula* L. туркуми турларининг хўжалик аҳамияти**” деб номланган иккинчи бобида *Ferula* L. туркуми турлари мисолида хўжалик аҳамияти келтирилган.

Биринчи бўлимда Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган *F. kuhistanica* Korovin, *F. samarkandica* Korovin, *F. diversivittata* Regel et Schmalh., *F. foetida* (Bunge) Regel, *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaev, *F. kokanica* Regel et Schmalh., *F. dshizakensis* Korovin, *F. ovina* (Boiss.) Boiss., *F. angrenii* Korovin, *F. penninervis* Regel et Schmalh. турларининг ботаник тавсифи ҳақида маълумотлар келтирилган.

Иккинчи бўлимда таҳлиллар натижасида, Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган 33 турдан 19 тури эфир мойли, 19 тури смола сакловчи, 18 тури асалчил, 11 тури ем-хашак, 14 тури шифобахш, 7 тури озуқабоп, 3 тури крахмал сакловчи, 4 тури мойли ўсимликлар қайд қилинган

Ferula L. туркумининг 11 тури муҳим ем-хашак хусусиятига эга бўлиб, чорва моллари ўсимликнинг поя, барг, гул ва меваларини истеъмол қилади. Улар барча хайвонлар томонидан яшил (хўл), қуруқ ва силос ҳолида, айниқса, унинг мевалари яхши истеъмол қилинади (Коровин, 1947).

Ferula L. турлари ҳар хил экологик шароитда ўсиши туфайли ем-хашак ўсимлиги сифатида катта аҳамиятга эга. Бу ўсимликлар поёнсиз чўл ва адирларда, тоғнинг барча қияликларида, ҳатто яйловда ҳам денгиз сатҳидан 3000 м баландликгача учраб, ковракзорлар ҳосил қилади. Уларнинг кўпчилиги йирик пояли ва баргли бўлганлиги учун чорва молларининг тўйимли озукаси ҳисобланади (Раҳманкулов, 1998).

Учинчи бўлимда *F. foetida* смоласидан юқори нафас йўллари, астма, бронхит, кўкйўтал, ичак касалликлари ва импотенцияни даволаш мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Тўртинчи бўлимда Ғарбий Помир-Олойда *Ferula* L. туркумининг 20 турида смола сақлаши келтирилган.

Диссертациянинг **“Ғарбий Помир-Олойда *Ferula* L. туркуми турларининг тик минтақалар бўйича тарқалиши”** деб номланган учинчи бобида *Ferula* L. туркуми турларининг ҳаётий шакллари ва тик минтақалар бўйича тарқалиши ҳақида маълумотлар кўрсатилган.



Биринчи бўлимда Ғарбий Помир-Олойда *Ferula* L. туркуми турларининг тик минтақалар бўйича тарқалиши келтирилган.

Ғарбий Помир-Олойда *Ferula* L. туркуми турларининг тик минтақалар бўйича, чўлда 8 тур, адирда 15 тур, тоғда 27 тур, яйловда 6 тур тарқалган. Турларнинг кўпчилиги асосан тоғда учрайди. Бизнинг тадқиқот материалларимиз таҳлили Е.П. Коровин (1947) ва М.Г. Пименов (1983) нинг Ўрта Осиё тоғли ҳудудлари бошқа тик минтақаларга нисбатан энг кўп турлар учраши ҳақидаги фикрларини тасдиқлайди. Туркум турларининг тоғда кўп учраши ушбу ҳудуднинг шаклланиш тарихига, иқлимнинг кескин континенталлигига, тупроқ қатламининг хилма-хиллигига ва ҳароратнинг кескин ўзгаришига боғлиқ.

Ғарбий Помир-Олой ҳудудида *Ferula* L. туркумининг 19 монокарп ва 14 поликарп турлари учраб, улар Ҳисорда - 17, Туркистонда - 17, Нуротада - 14, Зарафшонда - 11, Олойда - 10, Кўхитангда - 10, Боботоғда - 4 турни ташкил этади. Турларнинг тоғларда бир хил миқдорда учрамаслиги тоғларнинг қаерда жойлашишига, уларнинг майдони ва физик-географик ҳолатига боғлиқ. Р.В. Камелин (1973) фикрига қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаймизки, *Ferula* L. туркуми вакилларининг монокарплиги шу билан боғлиқки, улар бир стволли дарахтсимон типлардан бутасимон даврини ўтмасдан ўтсимон ҳолга ўтган бўлса, поликарп турлар буталар типидан ўтсимон ҳолга ўтган деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг **“Айрим *Ferula* L. турларининг дастлабки онтогенезда биоморфологик хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи боби латент, виргинил, генератив, сениль даврларидаги биоморфологик хусусиятларини онтогенезда ўрганишга бағишланган.

Биринчи бўлимда уруғларнинг униш динамикаси ҳақида маълумотлар берилган. Тажрибалар натижасида уруғни 0 - +4⁰С да сақлаб ундириш монокарп турларда (*F. kuhistanica*, *F. samarkandica*) ҳам, поликарп турларда (*F. ovina*, *F. dshizakensis*) ҳам энг яхши натижа беради (2-расм).



2-расм. Уруғларни 3-4 ой муддат хона ҳароратида сақлаб, сўнгра 0 - +4⁰С ҳароратда ундириш

Иккинчи бўлимда латент даврда ўсимлик уруғлар, мевалар ва бошқа муртақлар кўринишида тиним ҳолатида бўлиши қайд қилинган. Ўрганилган монокарп - *F. kuhistanica*, *F. diversivittata*, *F. samarkandica*, *F. helenae*, *F. kokanica*, *F. foetida* турлари уруғлари (1000 дона) нинг абсолют оғирлиги ўртача 26,6 гр ни, поликарп - *F. ovina*, *F. angrenii*, *F. dshizakensis*, *F. penninervis* турларники 14 гр ни ташкил этади. Монокарпларда уруғларнинг узунлиги 7,1-25,8 мм, эни 3,8-12,9 мм, эндоспермининг узунлиги 5,5-17,9 мм, эни 3,1-9,2 мм, муртагининг узунлиги 2,1-7,1 мм, эни 0,9-3,2 мм ни, поликарпларда уруғларнинг узунлиги 8,5-11,6 мм, эни 3,7-7,5 мм, эндоспермининг узунлиги 6,3-8,3 мм, эни 3,5-5,5 мм, муртагининг узунлиги 2,3-5,1 мм, эни 1,2-1,9 мм ни ташкил этади. Турларнинг латент даври 6 (9) ойдан 2-4 (8) йилгача давом этади.

Учинчи бўлим виргинил даврда муртаклар униб чиққандан бошлаб генератив органлар пайдо бўлгунча давом этиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ferula L. туркуми турларининг майсалари уруғпалларини ер юзасига кўтариб чиқиш хусусиятига эга. Шунингдек, уларда уруғпалларга найчаси бўлиб, унинг ер ости ва устки қисмлари мавжуд (Васильченко, 1936). Ўрганилган турларнинг майсалари уруғ пўстини уруғпалларга билан олиб чиқиши - эпигиал, яъни униш ер усткилиги билан характерланади. Униш жараёнида дастлаб илдизча ер остига қараб ўсиб, сўнгра гипокотил 2 та, баъзи ҳолларда 3 та уруғпалларга ер юзасига олиб чиқади. Майсанинг уруғпалларга шакли, тукланиши, узун-қисқалигига қараб *Ferula* L. туркуми турларини бир-биридан фарқлаш ва турларни аниқлаш мумкин. Уруғпалларга 1 ой давомида ўсиб, унинг максимал узунлиги 58,1-60,2 мм, эни 4,8-5,0 мм бўлади. Уруғпалларганинг яшовчанлиги ўртача 47-48 кунни ташкил этади. Ассимиляция қилувчи уруғпалларга баргсимон, чекка қирралари текис (қирқилмаган), туксиз, тор тасмасимон шаклларда, *F. dshizakensis*, *F. ovina*, *F. angrenii*, *F. penninervis* нинг узунлиги 35,3-52,4 мм, эни эса 1,7-2,7 мм бўлиб, бўйи энига нисбатан бир неча маротаба узун бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатдики, монокарп турлардан *F. kuhistanica* уруғпалларга узунлиги 58,1 мм ни, *F. samarkandica* 60,2 мм ни, *F. helenae* 54,5 мм ни, *F. diversivittata* 33,5 мм ни ва *F. kokanica* 31,3 мм ни ташкил қилди. *F. kuhistanica* вегетациясининг бошланиши 22 февралдан 5 мартгача давом этади. Уруғпалларгаининг ўсиши эса 20 апрелгача давом этди.

Ювенил босқичи (j). *Ferula* L. туркуми турларининг ювенил, имматур, виргинил босқичлар ва генератив даврга ўтиши уларнинг майсалари ва илдизларининг морфологик ўзгаришлари билан боғлиқ бўлади.

Илдизларда бу ўзгариш ўқилдизнинг ҳосил бўлиши ва унинг жадал ўсиб, тупроқнинг чуқур қатламига кириши билан характерланади. Кам тармоқланган ўқилдиз ҳолида ривожланиб, унда (3-4-йилдан бошлаб) илдизпоя ҳосил бўла бошлайди. Натижада, суст ривожланаётган ўқилдиз 3-4 йил давомида интенсив шохланиб яхши ривожланаётган илдиз системасига айланади, илдизпоя шакллана бошлайди. Экиб ўстирилган монокарп турларда биринчи чинбарглар уруғпалларга тупроқ юзасига чиққандан 11-16 кун ўтгач пайдо бўла бошлайди. Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган *Ferula* L. туркуми турлари баргларининг морфологик тузилишига қараб, уч гуруҳга ажратилди. Ўрганилган турлар қуйидаги гуруҳга бўлинади: барг пластинкаси кам, яъни иккиламчи қирқилган, охирги бўлақлари кенг (*F. kuhistanica*, *F. diversivittata*, *F. kokanica*, *F. foetida*), барглари ўртача - уч карра патсимон қирқилган (*F. penninervis*), максимал (4-5 карра) қирқилган, охирги бўлаги майда ипсимон ёки тасмасимон бўлақли (*F. dshizakensis*, *F. ovina*, *F. helenae*, *F. samarkandica*, *F. angrenii*).

Имматур босқичи (im). Ўсимликнинг индивидуал ривожланиши жараёнида морфологик гетерофилия, яъни ҳар хил барглилик, ҳақиқий чинбаргларнинг оддийдан мураккаб ҳолатга ўтиш ҳодисаси кўпчилик ўсимликларда кузатилади (Козо-Полянский, 1924; Васильченко, 1940). Бу

ҳолат *Ferula* L. турларига ҳам таалуқли бўлиб, баргларнинг ҳар бир турда алоҳида шаклга эга бўлиши ва ўсимликнинг ёшига қараб баргларнинг мураккаблашиб бориши муҳим диагностик белги ҳисобланади.

Монокарп *F. kuhistanica* ва *F. diversivittata* турларининг биринчи чинбарглари пластинкаси узунчоқ тухумсимон, деярли бутун, калта бандли бўлиб, барг чеккалари тукланган. Барг пластинкасининг бўйи 10,1-9,1 см, эни 4,1-3,5 см га тенг. Монокарп *F. samarkandica* турининг биринчи чинбарглари иккиламчи патсимон қирқилган, баргининг охириги бўлакчалари тескари тухумсимон, баргнинг ўзи эса тор тасмасимон (линейкасимон)дир.

Вояга етган *Ferula* L. турларининг барг пластинкалари учбурчаксимон, юмалоқ учбурчаксимон шаклда бўлиб, ўлчами 10,1-7,5 см узунликда, кенлиги 6,4-3,5 см гача боради. *Ferula* L. туркуми турларида баргининг охириги бўлакчалари овалсимон, узунчоқ-ланцетсимон, тасмасимон ва ипсимон кўринишларда бўлади. Чўл минтақасида ўсадиган турларнинг барглари мезоморф бўлиб, баргнинг охириги бўлаклари йирик бўлса, тоғда ўсадиган турлар баргининг охириги бўлаклари майда ва нозик бўлади. Кўпчилик *Ferula* L. туркуми турларининг барглари дағал, асосан тупбарглардаги барглар кўп марта қирқилган бўлса, поянинг ўрта ва юқори қисмида жойлашган баргларнинг қирқилиш даражаси кам бўлиб, энг юқоридаги барглар редукцияланган бўлиб, фақат барг қинидан иборат. Монокарп турлар вегетациянинг биринчи йилида 3 тагача чинбарг чиқариб, март ойининг охирида биринчи, апрель ойининг бошида иккинчи ва май ойининг ўртасида учинчи барг ҳосил қилади. Демак, имматур ҳолатда ўсимликнинг индивидуал ривожланиши жараёнида морфологик гетерофилия, яъни ҳар хил барглилик, ҳақиқий чинбаргларнинг оддийдан мураккаб ҳолатга ўтиш ҳодисаси кузатилади. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўсимлик вегетацияси бошланиб, поясининг шаклланишида барг қин (нов) лари пояни мустаҳкам ўраб олган бўлади. Ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан барг қини билан ўралган поя ўсиб чиқиб, суткалик ўсиши 7,0 см гача давом этади. Апрель ойининг охирида поя анча шаклланиб, ундан ён шохлар ҳосил бўла бошлайди ва баъзи соябонгуллар соябонни ўраб турган қин (нов) дан ташқарига чиқа бошлайди.

Виргинил босқичи (v). Бу босқич ўсимлик вегетатив органларининг тўлиқ шаклланиши билан характерланади. Табиий популяцияларда *Ferula* L. туркуми турларининг виргинил даври 1-2 вегетация йилини ташкил этади. *Ferula* L. туркуми турларининг ер устки ва ер ости қисми анча йириклашади. Виргинил босқичининг охирига бориб, қисқа новда ҳосил бўлиб, ўтган йилги барг қолдиқлари билан ўралган бўлади. Бу босқич монокарп турларда 4-5 йиллар, поликарп турларда 2-3 йилларда бўлади.

Тўртинчи бўлимда генератив давр ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ferula L. туркумининг монокарп ва поликарп турларида гул тўпламининг тузилиши ўзаро ўхшаш бўлиб, фақат паракладийлар сони, узунлиги ва уларда жойлашган соябонгуллар сони билан фарқ қилади (1-жадвал).

***Ferula* L. туркуми турлари генератив новдаларининг сон кўрсаткичлари
(n=20)**

№	Турлар	Сони, дона		
		паракладий	марказий соябон	ён соябонгул
монокарп турлар				
1	<i>F. kuhistanica</i>	21,7±2,6	18,4±2,2	6,6±1,2
2	<i>F. samarkandica</i>	18,5±1,7	9,3±1,3	3,7±1,3
3	<i>F. diversivittata</i>	19,6±2,4	16,6±2,2	4,5±1,1
4	<i>F. foetida</i>	22,5±2,7	27,5±2,3	6,4±1,3
5	<i>F. helenae</i>	14,6±1,4	12,3±1,7	4,7±1,5
6	<i>F. kokanica</i>	9,3±1,3	8,6±1,4	4,8±1,2
поликарп турлар				
1	<i>F. dshizakensis</i>	12,4±1,6	10,5±1,4	3,7±1,4
2	<i>F. ovina</i>	7,8±1,4	8,6±1,2	3,1±1,1
3	<i>F. angrenii</i>	15,5±1,5	13,4±1,6	3,5±1,2
4	<i>F. penninervis</i>	25,6±1,2	14,5±1,7	4,6±1,7


Соябонгулнинг марказида жойлашган икки жинсли гулларнинг очилиши соат 6⁰⁰ дан кеч 22⁰⁰ гача давом этади. Табиатда *F. kuhistanica* ва *F. helenae* гулларининг сутка давомида энг кўп - максимал очилиши соат 10⁰⁰-14⁰⁰ оралиғига, *F. dshizakensis*, *F. ovina*, *F. angrenii* гулларининг максимал очилиши соат 11⁰⁰-15⁰⁰ оралиғида бўлади. Соябонгулларнинг ён шохларида жойлашган чангчили гулларнинг кунлик максимал очилиши монокарп турларда соат 12⁰⁰-16⁰⁰ да, поликарп турларда соат 12⁰⁰-15⁰⁰ да кузатилди. Поядаги икки жинси гулларнинг тўлиқ очилиши учун монокарп турларга ўртача 8-10 кун, поликарп турлар учун 9-12 кун бўлади. Мавсум давомида гуллашнинг энг кўп миқдори монокарп турларда 2-3 кунга, поликарпларда бу муддат 1-2 кунга тўғри келади.

Бешинчи бўлимда сениль давр – генератив даврдан кейин келадиган қарилик даврга бағишланган.

Монокарп *Ferula* L. турларида сениль даври кузатилмайди, чунки вегетациясининг 7-8 йиллари қисқа муддатда бир марта гуллаб - уруғлайди ва поя, сўнгра илдизи ўша йили қурийд. Буларнинг қариш даври уруғ ҳосил бўлиш билан тугайди. *Ferula* L. туркуми поликарп турлари генератив даврга киргач (ҳар хил турларда уруғдан униб чиққан ўсимлик 3-5 йилдан бошлаб) ҳар йили гуллаб - мева беради. Шунинг учун бу турларда сениль даври секин амалга ошади ва аниқ кузатилади. Кузатишимизча, ўсимликнинг ёши 5-7 йилга етганда илдиз бўғзидаги марказий цилиндрларда емирилиш бошланади. Йил ўтган сайин емирилиш кенгайиб илдиз бўғзи - каудекс ўртаси пўкакка айланиб чирий бошлайди - бу сениль даврининг бошланишидир. Шунингдек, йил ўтган сари репродуктив шохларнинг сони, улардаги соябонгуллар сони камайиб боради, илдизда партикуляция жараёни,

яъни илдиз бўғзининг бўлакларга ажралиши кучайиб боради, лекин илдизлар баъзи бурчокдошлар оиласи вакиллари сингари алоҳида ажралиб кетмайди. Сениль даврда вегететив органлар (қисқа бандли новда), барглар сони камайиб майдалашади ва 5-6 йилдан кейин улар қариб, ўсимлик қуриydi.


Монокарп ва поликарпларда латент давр 1-8 йил, виргинил давр 1-2 йил, генератив давр монокарпларда 5-7 йил, поликарпларда 15-17 йил, сениль давр поликарпларда 6-9 йилни, умумий вегетация даври монокарпларда 13-17 йилни, поликарпларда 29-36 йилни ташкил этади (3-расм).



3-расм. а-монокарп ва б-поликарп турларнинг онтогенези

Олтинчи бўлимда *Ferula* L. туркуми турларининг ер ости органларини ўрганиш ҳам амалий, ҳам назарий аҳамияти қайд қилинган.

Ғарбий Помир-Олойда *Ferula* L. туркуми турлари илдизларининг морфометрик тузилишини онтогенезда ўрганиб, (Раҳмонкулов, 1999) услуби бўйича 6 гуруҳга ажратилди: I-гуруҳга 9 тур, II-гуруҳга 1 тур, III-гуруҳга 3 тур, IV-гуруҳга 2 тур, V-гуруҳга 1 тур, VI-гуруҳга 3 тур мансуб (4-расм).



4-расм. Табиий шароитда а-*F. angrenii*, б-*F. dshizakensis*, в-*F. kuhistanica*, г-*F. helenae* турларининг илдиз тузилиши

Диссертациянинг “**Ғарбий Помир-Олойда *Ferula* L. туркумининг айрим камёб турларини муҳофаза қилиш ва бирламчи интродукцияси**” деб номланган бешинчи боби *Ferula* L. туркумининг айрим камёб турларини муҳофаза қилиш ва бирламчи интродукцияси ҳақидаги маълумотларга бағишланган.

Биринчи бўлимда Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган айрим *Ferula* L. турлари эндем ҳисобланиб, баъзилари маълум ҳудудларда учраши қайд қилинган. Масалан, *F. nuratavica* тури фақат Нурота тоғ тизмасида, *F. helenae* тури эса Нурота тоғ тизмаси қолдиқ (Пистали ва Балиқли) тоғларида учрайди, холос. Қадимда Нурота тоғлари этагида учрайдиган *F. schtschurowskiana* тури ҳозир бу ҳудудда учрамайди.

Ferula L. туркуми турлари халқ табобатида кенг қўлланилганлиги туфайли уларнинг майдонлари тобора қисқариб бормоқда. 1984 йил чоп этилган “Қизил китоб” га 2 тур – *F. sumbul*, *F. juniperina*, 1998 ва 2006 йиллар нашрларида 5 тур – *F. sumbul*, *F. tuberifera*, *F. kyzylkumica*, *F. juniperina*, *F. gigantea* ни ташкил қилса, 2009 йилда 7 тур– *F. sumbul*, *F. tuberifera*, *F. kyzylkumica*, *F. pratovii*, *F. fedtschenkoana*, *F. korshinskyi*, *F. vicaria*, 2016 йилда 8 тур - *F. sumbul*, *F. tuberifera*, *F. kyzylkumica*, *F. pratovii*, *F. fedtschenkoana*, *F. korshinskyi*, *F. vicaria*, *F. helenae* киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига *Ferula* L. туркумининг 10 турлари киритилиб, шундан 6 тури монокарп, 4 тури поликарп ҳисобланади, уларнинг 8 тури маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турларга, 2 тури йўқолиб кетиш хавфи остида турган сақланиб қолиши учун махсус муҳофазани талаб этадиган турларга киради. Шундан 1 тури чўлда, 7 тури тоғда, 2 тури адирда учрайди. Ғарбий Тиёншонда ўсадиган *F. juniperina* Республика Қизил китобининг охириги (2016) нашрига киритилмаганлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда *Ferula* L. туркуми турларининг асосий қисми Помир-Олой тоғ тизмасида тарқалган.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда янги ерларнинг ўзлаштирилиши, чўл ҳудудларни сув босиши (Айдар-Арнасой кўллар тизими), яйловларда чорва молларининг меъеридан кўп боқилиши, ўсимликдан смола олишда йиғиш қоидаларига амал қилмаслик натижасида *Ferula* L. туркуми турларининг табиий майдонлари қисқариб бормоқда.

Иккинчи бўлимда *Ferula* L. туркуми турларининг дастлабки (бирламчи) интродукцияси ва *F. foetida* ни уруғидан экиб ўстириш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўсимлик маҳсулотига бўлган эҳтиёжни қондириш ҳамда генофондини сақлаб қолиш учун табиий шароитда уруғларини экишни тавсия этамиз. Дастлабки натижалар шуни кўрсатдики, бу ўсимлик уруғларига маълум биологик ва физиологик ишлов берилганда, унувчанлиги 70-80 фоизга эришилди. Диссертация ишида *F. foetida* ўсимлиги уруғларини йиғиш, ишлов бериш, экиш, ўғитлаш ва смола олиш йўллари баён қилинган.

ХУЛОСА

“Ғарбий Помир-Олой тизмаси *Ferula L.* турларининг биоэкологияси ва улардан оқилона фойдаланиш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган 33 турдан 19 тури эфир мойли, 19 тури смола берувчи, 18 тури асалчил, 11 тури ем-хашак, 14 тури шифобахш, 7 тури озуқабоп, 3 тури крахмал сақловчи, 4 тури мойли ўсимликлар эканлиги қайд этилди.

2. *Ferula L.* туркуми вакиллари чўлда 8 тур, адирда 15 тур, тоғда 27 тур, яйловда 6 тур тарқалганлиги ушбу ҳудуднинг шаклланиш тарихи, иқлимнинг кескин континенталлиги, тупроқ қатламининг хилма-хиллиги ва ҳароратнинг кескин ўзгаришига билан изоҳланади.

3. Ғарбий Помир-Олой ҳудудида 19 монокарп, 14 поликарп *Ferula L.* турлари учраб, улар Ҳисорда - 18, Туркистонда - 17, Нуротада - 14, Зарафшонда - 11, Олойда - 10, Кўхитангда - 10, Боботоғда - 4 тур учраши қайд этилди.

4. *Ferula L.* туркуми турлари асосан уруғларидан кўпаяди. Унинг уруғлари ҳароратга талаби бўйича стенотерм ҳисобланиб, паст ҳарорат (0 - +4⁰С) да сақлаб ундириш монокарп тур (*F. kuhistanica*, *F. samarkandica*) ларда ҳам, поликарп тур (*F. ovina*, *F. dshizakensis*) ларда ҳам энг яхши натижа бериши аниқланди.

5. *Ferula L.* туркуми турларининг майсалари уруғ пўстини уруғпаллабарглари билан олиб чиқиши – эпигеал, яъни униш ер усткилиги билан характерланади. Уруғпаллабарглarning вегетация даври поликарп турларда 47-49 кунни, монокарп турларда 46-48 кунни ташкил этади.

6. *Ferula L.* туркуми турларининг морфометрик тузилиши онтогенезда ўрганилиб, улар 6 гуруҳга ажратилди: I-гуруҳга 9 тур, II-гуруҳга 1 тур, III-гуруҳга 3 тур, IV-гуруҳга 2 тур, V-гуруҳга 1 тур, VI-гуруҳга 3 тур мансублиги қайд этилди.

7. *Ferula L.* туркумининг барча турларида тўлиқ онтогенез даврлари намоён бўлмайди. Монокарп турларда сениль даври мутлақо бўлмайди, уларда гуллаш ва уруғлаш даври жуда тез муддатда ўтиши кузатилди, монокарп ва поликарпларда латент давр 1-8 йил, виргинил давр 1-2 йил, генератив давр монокарпларда 15-17 йил, поликарпларда 15-17 йил, сениль давр поликарпларда 6-9 йилни ташкил этади.

8. Ғарбий Помир-Олойда учрайдиган *Ferula L.* вакиллариининг баъзи эндем турлари маълум ҳудудларда учрайди. Масалан, *F. nuratavica* тури фақат Нурота тоғ тизмасида, *F. helenae* тури эса Нурота тоғ тизмаси қолдиқ (Пистали ва Балиқли) тоғларида учрайди, холос. Қадимда Нурота тоғлари этагида учрайдиган *F. schtschurowskiana* тури ҳозир бу ҳудудда учрамаслиги қайд этилади.

9. Ғарбий Помир-Олойда ўрганилган айрим *Ferula* L. турларининг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилди.

10. *Ferula foetida* ни лалмикор ва шартли суғориладиган майдонларда уруғидан экиб ўстириш ишлари республикамизнинг турли ҳудудларида олиб борилди ва экиб ўстириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЬ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АВАЛБАЕВ ОЛИМЖОН НАРКУЗИЕВИЧ

**БИОЭКОЛОГИЯ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ РОДА *FERULA* L. ЗАПАДНОГО
ПАМИРО-АЛАСКОГО ХРЕБТА И УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИХ
РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.PhD/В13

Диссертационная работа выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель:

Рахмонкулов Умаркул

доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рахимова Ташханим

доктор биологических наук, профессор

Хайдаров Хислат Кудратович

доктор биологических наук

Ведущая организация:

Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «7» февраля 2020 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.30.08.2018.В.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 3. Актовый зал. факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51, E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «24» января 2020 года.

(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2020 года)

З.Т. Ражамуродов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

М.С. Кузиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, PhD

Х.К. Хайдаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире одной из глобальных проблем является сохранение биологического разнообразия, охрана растительного мира и их рациональное использование. Исходя из этого, на сегодняшний день особое внимание уделяется изучению биоэкологических особенностей видов растений, их интродукции, разработке мер охраны, выявлению и сохранению редких и исчезающих видов растений. В этом отношении, огромное значение имеют представители рода *Ferula* L., применяемые в разных отраслях в качестве эфирномасличных, кормовых, медоносных, лекарственных, ароматических, пищевых, смолосодержащих и технических растений.

В мировой практике особое внимание уделяют изучению биоморфологических особенностей в онтогенезе смолосодержащим растениям, и определение их сырья. В связи с этим важно выявить видовой состав рода *Ferula* L. Западного Памиро – Алайского хребта, обосновать влияющие факторы и оценить возможность использования перспективных видов в сфере производства. Физико – географическая своеобразность региона привела к разнообразию видов рода *Ferula* L. Очень мало известно о видах рода *Ferula* L встречающихся в западной части Памиро – Алайского хребта. В том числе биоморфологические, лечебные свойства, запас видов рода *Ferula* L не выявлены, а причины исчезновения некоторых видов не изучены. Несмотря на это, допускаются несоблюдения правил рационального использования растений и создания на их основе новых препаратов, все более уменьшаются природные ресурсы вследствие незапланированного использования их сырьевых запасов. Поэтому, изучение биологии, лекарственных свойств, рационального их использования, выращивание редких и хозяйственно значимых видов рода *Ferula* L., в условиях богары имеет важное научно - практическое значение. В результате осваивания пустынных земель и интенсивного выпаса скота в последние годы резко уменьшаются естественные площади произрастания некоторых видов *F. varia* (Schrenk) Trautv., *F. schtschurowskiana* Regel et Schmalh., *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaev и *F. foetida* (Bunge) Regel. Поэтому необходим семенной высеv и разработка методов размножения перспективных видов рода *Ferula* L. и решение проблем первичной интродукции.

В республике проводятся широкомасштабные реформы в области фармацевтики и сельского хозяйства, и особое внимание уделяется укреплению сырьевой базы лекарственных растений. На основе программных мер осуществленных в данном направлении достигнуты значительные результаты в том числе, созданы и производятся лекарственные препараты “Тэфэстрол”, “Куфэстрол” и “Ферулен” из рода видов *Ferula* L. В стратегии действий по дальнейшему развитию в

Республики Узбекистан¹ поставлены задачи по «...дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, обеспечение населения и медицинских учреждений дешевыми и качественными лекарственными средствами». Исходя из этих задач, изучение биологических особенностей в онтогенезе родов вида *Ferula* L., выращивание из семян и внедрение в производство имеет большое научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач закона Республики Узбекистан № 409 о “Защите растительного мира и рационального их использования” от 21 сентября 2016 года, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2911 «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности республики» от 20 апреля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3617 «О мерах по созданию плантаций ферул, увеличение переработки сырья и экспорт» от 20 марта 2018 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

